

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2021 —

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.
«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳририят ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

МАКСУДОВ Р.Х.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОҒОНОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)

БАХОДИРХОҒОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)

ТОЖИБОВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)

ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)

ИСКАҒДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҒАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОҒОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррир: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.

Мусахҳиҳлар: Шералиева Ж.
Мамаджонова М.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-80
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди: 02.07.2021

Қоғоз бичими: 60×84 1/8

Босма табағи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма № 49

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

**Фарғона,
2021.**

М.Умурзақова	
Туркистонда ягона қишлоқ хўжалиги солиғининг жорий этилиши: муаммолар ва ечим	167
Ҳ.Жўраев, Х.Мадазимов	
Образли ибтидоий тасаввурлардаги муштарак жиҳатлар	170
М.Юсупова	
Ўзбек шеъриятида Навоий образи	172
Ю.Каримова	
“Лисонут-тайр” достонида фольклор аънаналари	175
М.Омонова	
Эркин Самандарнинг “Тангри қудуғи” тарихий романида аънавий мотив ва тимсолларнинг ўрни	179
Ҳ.Раҳматжонова	
Сатирада ижтимоий руҳ ифодаси	182
Ш.Каримова	
Девин Девис – шарқ адабиёти тадқиқотчиси	184
С.Олимжонов	
Роман поэтикаси ҳақида баъзи қарашлар (Улуғбек Ҳамдам ва Эрих Мария Ремарк романлари мисолида)	187
Д.Юлдашева	
Болалар шеърий матнларида мазмуний перцепциянинг ифодаланиши	191
Н.Умарова	
Навоий қўллаган рўмол тушунчали сўзлар этимони	194
И.Хабибжонов	
Форс-тожик тилидан ўзлаштирилган солиқ-божхона терминлари	197
А.Зинатуллина	
Ўзбек ва француз тилларидаги мураккаб гаплар ва уларнинг хусусиятлари	200
Н.Сабирова	
Социолингвистик тадқиқотлар ва уларнинг ривожланиш босқичлари	203
Д.Газиёва, М.Қўшматова	
Иборашунослик нуқтаи назаридан маданиятлараро ўзаро тушуниш хусусида	208
И.Деҳқонов	
Француз, ўзбек ва рус тилларида содда нутқнинг қиёсий тахлили: таржимада лексик эквивалент топиш муаммоси	212
Д.Махаметова	
Хорижий тилни ўргатишда инновацион технологиялар	215
Х.Марипова	
Немис тилида фразеологик бирликларнинг миллий-маданий хусусиятлари ва уларнинг синонимларини ўзбек тилида берилиши	219
Г.Сайдалиева	
Тилшуносликда абсолют синонимларнинг ўрни	222
С.Юлдашев	
Замонавий таълим тизими ва унинг омиллари	226
Ж.Оришев	
Таълим жараёнида лойиҳали таълим усулидан фойдаланиш афзалликлари	228
Ш.Арипов	
Ўғил болаларни оилавий муносабатларга тайёрлашда мактаб, маҳалла ва ота-оналар ҳамкорлиги	232
Н.Хошимова	
Гендер тили тадқиқида фалсафий қарашлар	236
А.Мухиддинов	
Тилнинг семантик майдонини когнитив тилшунослик доирасида талқин этилиши	239
ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ	
ИЛМГА БАХШИДА УМР	243

СОЦИОЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚОТЛАР ВА УЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ
СОЦИОЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ И ИХ ЭТАПЫ РАЗВИТИЯ
SOCIOLINGUISTIC RESEARCH AND THEIR STAGES OF DEVELOPMENT

Сабирова Нодира Каримбаевна¹

¹Сабирова Нодира Каримбаевна

– ЎзМУ (DSc) докторанти.

Аннотация

Мақолада социолингвистика тилнинг энг юқори ижтимоий табиати ҳақида ягона ва ҳал қилувчи таҳлил билан пайдо бўлган ва шу вақтдан бошлаб, ҳозирги кунга қадар амалда фанлараро муносабати туфайли унинг асосларини мустаҳкамлаётгани таҳлил қилинган.

Аннотация

В статье анализируется возникновение социолингвистики с единственным и решающим анализом высшей социальной природы языка и с тех пор, вплоть до настоящего времени, практически укрепляет свои основы благодаря междисциплинарному подходу.

Annotation

The article analyzes emergence of sociolinguistics with the only and decisive analysis of the higher social nature of language and since then, up to the present time, has practically strengthened its foundations owing to an interdisciplinary approach.

Таянч сўз ва иборалар: социолингвистика, реал олам тилшунослиги, жамият нутқи, майдон методлари, коммуникатив компетенция.

Ключевые слова и выражения: социолингвистика, лингвистика реального мира, речь общества, полевые методы, коммуникативная компетентность.

Keywords and expressions: sociolinguistics, real world linguistics, social speech, field methods, communicative competence.

Инсоният тарихидан то ҳозирги кунгача бўлган даврда таълим ва тарбия шахс камолида ўзининг муҳим ўрнини эгаллаб келган. Шу боис инсонлар ҳамма замонда ҳам турли сабабларга кўра бир-бири билан мулоқотда бўлишга интилишган ва бунда тил муҳим рол ўйнайди.

Социолингвистика – тилшуносликнинг бўлимларидан бири бўлиб, тил ва унинг жамиятдаги ўрни ва ролини ўрганади. Социолингвистиканинг асосий мақсади-у ёки бу жамоани ташкил этган одамлар тилдан қандай фойдаланишлари ва шу тил фаолият кўрсатаётган жамиятдаги ўзгаришлар тил тараққиётига нечоғлик таъсир кўрсатишини ўрганишдан иборатдир. Бу мақсадлар социолингвистиканинг икки асосий муаммоси - тилнинг ижтимоий фарқланиш муаммоси ва тил тараққиётининг ижтимоий шартланганлиги муаммоси билан мос тушади.

Тилшуносликдаги нутқий мулоқотнинг социолингвистик ёндашув, ўзига хос хусусиятлари ва муносабатлари В.Лабов, Г.Лич, С.Левинсон, Ж.Томас, А.Тросборг, Д.Франк ва бошқа тилшуносларнинг эътиборини жалб қилган.

Ўзбек тилшунослигида АЭ.Маматов, С.М.Мўминов, Ш.С.Сафаров, Ж.Ш.Джумабаева, Ғ.Х.Раҳимов ва Б.Холматова ушбу ҳодисани илмий мақола ва монографияларида ўрганиб чиқди.

Инглиз олими Х.Карри биринчи бўлиб 1952 йилда “социолингвистика” атамасидан фойдаланган. Бугунги кунда социолингвистика тил ва жамият ўртасидаги муносабатларни илмий ўрганиш билан шуғулланадиган тилшунослик соҳасидир. Унда ижтимоий фанлар билан боғлиқ бўлган тилшуносликнинг бошқа усулини қўллаш тақозо этилади. Яъни инсонларнинг ҳақиқий кундалик ҳаёт шароитларида, ўзаро ижтимоий муносабатларда тилни қандай ишлатишига ва уларнинг табиий ижтимоий контекстларида тилларни ўрганишга қаратилган кузатув асосидаги эмпирик тадқиқотдир. Социолингвистика қисман антропология, этнография, социология, диалектология фанларидан табиий эпистемологик мерос сифатида ривожланиб, назарий ва методологик жиҳатдан бу соҳага олиб келадиган ва фанлараро муносабат бўлган тилшуносликнинг бир бўлими ҳисобланади.

Делл Хаймснинг антропология ва фольклор асосида шаклланган тадқиқоти, Жон Гумперцнинг интерактив этнографик илмий иши, Жошуа Фишманнинг тил социологияси ва Уильям Лабовнинг лингвистик вариация каби тадқиқотлари бу соҳанинг фанлараро матрицаларини ташкил қилади.

И.Фигероанинг фикрича, “социолингвистиканинг қуйидаги учта асл йўналиши фалсафий асосга эга - Д.Хаймснинг релятивизм доирасидаги иши, У.Лабовнинг реализмга асосланган вариационистик ёндашуви ва Ж.Гумперцнинг интенционаллик ва социал маъно талқинли контекстидаги тасвирлашга оид тадқиқотларидир.

Социолингвистик тадқиқотларда майдон методларидан фойдаланиш XIX аснинг охири XX аснинг бошларида АҚШда хинду тилларини ўрганган амалиётчилар, антропология ва этнографияга йўналтирилган тилшунос олимлар, Франц Боас, Эдуард Сепир, Леонар Блумфильддан мерос бўлиб қолган. Африка, Осиё ва Австралия она тилларини тадқиқ қилган Алан Гардинер, Бронислав Малиновский, Жон Фирс, Георг Веннер, Жюль Жильери, Карл Жаберг ва Якоб Жуд каби европа диалектолог олимларининг мақсади соҳада тўпланган лингвистик маълумотларни тўплаш бўлган, яъни, мулоқот тилининг табиий муҳити, инсонларнинг иш фаолиятидан ташқарида, одатда ва тасодифан учрашувидаги ўзаро мулоқотини тадқиқ қилиш бўлган. Ушбу йўналиш номи мебельнинг бир тури бўлмиш *armchair*-кресло, ***armchair linguistics*** деб номланади. Унда тадқиқотчининг ишхонасида олиб борадиган ва реал олам тилшунослигидаги тил маълумотларни тўплаб, улар ўртасидаги фарқни акс эттиради. Чунки тажрибадан маълум бўлишича, ҳатто ахборот берувчилар томонидан амалга оширилган интроспектив фикрлар ҳам, тилнинг ҳолатини тавсифлашда лингвистик умумлашманинг асосли ва ишончилигига осонгина таъсир қилиши мумкин. Таксономик типдаги таснифни яратиш учун маълумотларсиз назария самарасиз ҳисобланади, чунки ушбу ҳолатда назария эмпирик тарзда тўпланган

маълумотлардан ҳосил бўлади. Эмпирик ишончилилик кафолатига мўлжалланган социолингвистик тадқиқотларнинг методологик қатъийлиги кузатувчи парадоксига асосланган. Репрезентативлик ва умумлаштириш принциплари ижтимоий фанлар бўйича барча тадқиқотлар учун қўлланилади. Социолингвистик тадқиқот муаммоларидан бири кузатувчининг парадокс таъсирини бартараф этишдир. Эксперимент натижалари ва этика шартларини бузмасдан, ўзгарувчанликларнинг олдини олиш учун майдон усули иштирокчиларининг бузилмаган, реал тасодифий нутқ ифодасини аниқлаш зарур бўлади. Бундан ташқари М.Бухолц таъкидлашича, иштирокчиларни кузатиш учун этнографик метод майдон иштирокчилари кузатилаётган фаолиятга аралашувни бартараф этилишида ҳал қилувчи рол ўйнайди. Этнография, антропология, социология каби ижтимоий фанлар ва диалектологиянинг эпистемологик меросига кўшимча равишда, социолингвистика ҳам Н.Хомский ва Ф.Соссюрнинг олдинги парадигмалари ва анъанавий диалектологик амалиётларига қарши реакция бўлиб, янги вариационизм назарий моделига, яъни, миқдорий инқилоб таъсири остида социолингвистика номли суб майдонга айланди. Ф.Соссюрнинг ***langue/parole (language/speech)*** ва ***diachrony/synchrony*** структурал тушунчаси, кейинроқ Н.Хомскийнинг ***competence/performance*** генеративистик концепцияси, Л.Блумфильднинг ***free variation*** тушунчаси ва диалектологик анъананинг нореал назария ва методологиясига кўра, социолингвистик вариация ва идиолект тушунчалари бир-бирига қарши реакция сифатида тушунилади.

Тилшунослар тилдаги тизимли гетероген сўз ва гапирувчи нутқининг макролингвистик даражаси ва Л.Блумфильднинг эркин вариация тушунчасини лингвистик вариациянинг бошқа бир тури сифатида эътиборсиз қолдириб, тилнинг тизимли гомогенлиги ва гапирувчининг компетенцияси, яъни микролингвистикага урғу беришган.

Фердинант де Соссюр	Тил
	Нутқ
Ноам Хомский	Компетенция
	Нутқ
Уильям Лабов	Лингвистика
	Социолингвистика
Джон Лайнз	Микролингвистика
	Макролингвистика
Рой Харрис	Автоном лингвистика
	Интеграцион лингвистика
Фред Пенг	Тор доирадаги лингвистика
	Кенг доирадаги лингвистика
Роджер Ласс	Эркин гапирувчи
	Гапирувчининг марказда бўлиши

1-расм. И.Фигероага кўра лингвистик таҳлилнинг назарий асослари.

Н.Хомский учун компетенциянинг тадқиқот мавзуси мавҳум тизим эди, чунки у тилни тизим сифатида тушуниш қийматининг лингвистик нутқни намойиш қилиши жуда хаотик ва тартибсиз деб билган. У. Лабов эса аксинча социолингвистика табиатини тадқиқ қилишни тўхтатганидан пушаймон бўлган. Ф.Соссюр ва Н.Хомскийнинг олдинги парадигмалари тил ва компетенцияни тадқиқот қилган ва кундалик нутқни ўрганишда талаб қилинадиган тўртта аниқ қийинчиликни қайд этган.

1) Кундалик нутқнинг ноаниқлиги.

2) Нутқ вариацияси ва жамият нутқи вариациясининг фақланиши.

3) Реал нутқни тинглаш ва қайд қилиш билан боғлиқ қийинчилик.

4) Синтактик шаклларнинг ноёблиги.

Кўпгина жамият нутқларининг бир нечта ижтимоий ва лингвистик жиҳатдан муайян хилма-хилликни таърифлашни истаган тилшуноснинг тадқиқотини янада қийинлаштиради. Шунинг учун XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида тилшунос олимлар ушбу мураккабликни безътибор қолдиришди. Диалектологлар “реал” ёки “соф” диалектларни топиш билан жуда машғул бўлганлиги сабабли, идиолект ва қишлоқ информаторларининг нутқига, айниқса, озроқ бўлсада маълумотли ва саёҳат тажрибасига эга бўлган кекса кишиларга эътибор қаратдилар. Лекин идиолект, яъни бир вақтнинг ўзида бир инсоннинг нутқи, умумий жамиятнинг нутқидан кўра мунтазам бўлмаган, “реал” ва “соф” ягона турдаги диалектлар мавжудлиги нореал ҳаёлот эди. Монолитик тил тизими социал структуранинг тилда мавжуд бўлган ўзгарувчанлик билан бирон-бир этиологик

алоқадор бўлиши мумкинлигини тушунтиришга қодир эмас эди. Тилнинг ушбу назарий моделига қарши аниқ реакция мунтазам равишда бир хил бўлган ҳаёлий концепциядан, тартибга солинган гетероген “жамият нутқи”га айланишига олиб келди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин анъанавий диалектшунослар қишлоқ жойларида диалектологияга оид тадқиқотларни чеклаш, аҳолининг аксарият қисми нутқининг безътибор қолдирилишини англатиши, яъни катта шаҳарларда учрайдиган нутқ, анъанавий қишлоқ диалектологияси усуллари билан тадқиқот қилиниши зарурлигини тушунишди. Шундай қилиб, 1960 йиллардан бошлаб, айрим тилшунослар макролингвистикага қизиқиш билдириб, жамиятда ишлатиладиган тилнинг мураккаб реал ҳолатини ўрганиб, таҳлилнинг микролингвистик даражасини лингвистик ўзгарувчанликлар сифатида кўриб чиқишди. У.Лабовнинг АҚШда ва П.Трудгиллнинг Англиядаги тадқиқотлари орқали ҳам лингвистик, ҳам социал функцияни ифодаловчи шаҳар диалектологияси пайдо бўлди. Ниҳоят тил ва жамият ўртасидаги тенг муносабатларни ўрганиш социал-демографик ёки контекстли ўзгарувчилар, яъни экстралингвистик омилларнинг ички тил элементлари билан ўзаро боғлиқлиги орқали социал тилшунослик тил ўзгарувчанлиги, социал аҳамиятга эга шифрлаш алгоритмининг тушуниш ва тилнинг ўзгарувчанлигини ҳисобга олишга имкон берди.

Социолингвистик тадқиқотлар эмпирик жиҳатдан асосли билимга ҳисса қўшадиган бошқа соҳа тадқиқоти каби, аниқ масалаларни ҳал қилиш учун мўлжалланган.

Ушбу лингвистик ҳодиса ва унинг асосини тушунтиришга уриниш, маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш тартиб қоидалари доирасида қўлланиладиган кузатув методологиясини белгилашга олиб келди. К.Хейзенга кўра, майдон методлари иккита асосий босқични талаб қилади, яъни амалиёт назарияси сифатида режалаштириш ва унинг амалий қисми бўлган майдон ишидир. Ҳар бир муайян тадқиқот методологияси тадқиқот муаммолари ва назарий асосга боғлиқ бўлади.

П.Трудгилл “социоллингвистика” атамасининг ноаниқ хусусияти мавжудлигини таъкидлаган. Ушбу атама изоҳларининг кўплиги соҳанинг ўрганилиши, тил ва жамият парадигмасининг бир хиллигига таъсир қилиб, социоллингвистика термини инсонларга турли маъноларни англатади.

Социоллингвистика вужудга келгандан буён тилшуносликнинг энг кўп қўлланиладиган тармоқларидан бири бўлиб келмоқда. Ғарб саноати ривожланган мамлакатларда сиёсий масалалар сифатида камбағаллик ва социал камчиликларга қаратилган социологиянинг ривожланишига муҳим туртки бўлди. Социоллингвистика жамиятнинг реал муаммолари ва уларни лингвистик экспертизадан фойдаланган ҳолда ҳал этилишига таъсир қилди. Ҳақиқий инсоний муаммолар ҳақида гапирилганида, назариянинг мавҳум бўлиши ёки унинг амалиётдан ажратилиши мумкин эмас. Агар замонавий амалий тилшуносликнинг заифлиги, унинг лингвистик назариядан ажралиб турганида бўлса, замонавий назарий тилшуносликнинг заифлиги, унинг ҳақиқий инсоний муаммоларидан ажралиб турганида бўлган. Ҳақиқий инсоний муаммоларни ҳал қилиш учун назария ва амалиётнинг қўлланилиши ва ривожлантирилиши талаб қилинади.

Ушбу соҳада эмпирик жиҳатдан асосланган назария ишлаб чиқилганидан кейин П.Трудгилл каби социоллингвистлар назарий ва амалий социоллингвистикани фарқлашнинг аҳамиятини билдиришди. Унинг биринчиси тил ва жамият табиатини чуқурроқ тушуниш билан боғлиқ бўлса, иккинчиси социоллингвистик назарий кашфиётларнинг реал муаммоларини ҳал қилинишига татбиқ этиш билан боғлиқ.

1950 йилларнинг бошиданоқ социоллингвистиканинг ривожланиши, тил ва жамиятни ўрганишда назарий ва услубий асослар ва унинг фанлараро йўналишларининг барқарор ўсиши билан

ажралиб турарди. Социоллингвистик тадқиқотларда майдон методлари кўзланган тадқиқот мақсади, яъни, социологик, социоллингвистик ёки лингвистик мақсадлар билан белгиланади. Кузатув методи орқали маълумотлар тўплаш, кенг қамровли интервью шакли, кузатув иштирокчиси, сўровнома ёзувларни мунтазам қайд қилиш этнографик тадқиқотларда алоҳида социомаданий ва тил тизимларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва тавсифлаш учун майдон ишининг асосий методларидан бўлиб келган. Социологик ва лингвистик мақсадларни кўзлайдиган методология одатда сифатли бўлса-да, охириги пайтларда миқдорий ёндашув ва миқдорий таҳлил ҳам ишлатилган.

Тилшунослик этнографиясининг услубий ва аналитик ҳиссаси тил ва ижтимоий ҳаётни ўрганиш, шунингдек, ижтимоий амалиёт сифатида тилни ўрганиш, коммуникатив ва антропологик тилшуносликнинг этнографиясида акс эттирилган назарий ва услубий хилма-хилликнинг эклектик талқинини таъминлаш орқали аниқ кўринади. Ж.Бакстернинг фикрича, турли хил дискурс-аналитик ёндашувлар кўпгина ижтимоийдан то лингвистик бир хил маълумотларнинг турлича тавсифларига микроаналитик ва макроаналитик ёндашувлар орқали изоҳ берилишига олиб келди.

Фақат лингвистик мақсади бўлган тадқиқотларда вариацион социоллингвистика 1960 йилларнинг социал контекстида тилни тизимли равишда миқдорий ўрганиш бошланиши билан энг кенг тарқалган ва самарали социоллингвистик соҳа бўлган.

Тилдан фойдаланиш, услубни ўзгартириш, коммуникатив компетентлик каби бир хил нутқ репертуари ва социоллингвистик ҳатти-ҳаракатларнинг бир хил нормаларини баҳам кўрадиган маърузачилар жамоасига “нутқ жамоаси”нинг муассислари сифатида қаралади.

Хулоса қилиб айтганда, социоллингвистика назарий қайта шакллантириш ва эпистемиологик эволюция ва майдон назарияларининг янги усулларини ривожлантириш, маълумотларни тўплаш методлари ва статистик таҳлиллари миқдорий ёндашувларнинг қайта кўриб чиқилишининг доимий жараёнидадир. Р.Робинс айтганидек, “the languages of mankind in all their fascinating detail and with all their

immense power among the human faculties still present a potentially limitless field for disciplined investigation and systematic study". - яъни, "инсоният тилининг қизиқарли тафсилотлари ва инсоннинг улкан қобилиятлари илмий ва тизимли тадқиқотлар учун салоҳиятли чексиз майдон ҳисобланади." (таржима муаллифники.)

Лингвистик назария ҳар доим методологик ва техник тараққиёт билан ҳамнафас бўлиши учун тадқиқотнинг янги йўналишлари очилади ва янги усуллар ишлаб чиқилади.

Янги жамият билан мулоқотга киришиш доимо социолингвистик соҳа вакиллари учун қийинчилик туғдиради, чунки муносабат орқали мамлакат, шаҳар ва қишлоқ тадқиқотининг дизайнини белгилаш ва режалаштириш талаб қилинади. С.Тальямонтенинг фикрича, "1960-1970 йилларнинг майдон тадқиқот ишлари 2000 йилларда самарали бўлмаслиги мумкин".

Социолингвистика тилнинг энг юқори ижтимоий табиати ҳақида ягона ва ҳал қилувчи таҳлил билан пайдо бўлган ва шу вақтдан

бошлаб, ҳозирги кунга қадар амалда фанлараро муносабати туфайли унинг асосларини мустаҳкамлайди. Парадигматик мувофиқликка асосланган ушбу интеграция кўпроқ таҳлил қилиш ва аниқликни таъминлайди. Бундан ташқари социолингвистик назарияни такомиллаштириш тил табиати ва фаолияти ҳақидаги тушунчамизни инсоний қобилият сифатида ва энг муҳими жамиятнинг ҳақиқий инсоний муаммоларини ҳал қилиш учун қўлланишидир.

Кейинги тадқиқотлар синонимия, антонимия ва гипонимиядаги социолингвистик муносабатлар бўйича амалга оширилади, чунки тил, жамият ва маданиятнинг ўзаро муносабати масаласи тилшунослик фанида жуда кам ўрганилган. Социология ва лингвистиканинг бир-бирига боғлиқ эканлиги барчага аён. Келгусида синонимик, антонимик ва гипонимик муносабатларнинг социолингвистик хусусиятлари ҳақида маълумотлар тўплаш ва унинг тадқиқ қилиниши кўзда тутилган.

Адабиётлар:

1. Apte, M.L. 2001. Field Methods: Ethnographic. In Concise Encyclopedia of Sociolinguistics, R. Mesthrie (ed.), 772–775. Oxford: Elsevier.
2. Baxter, J. 2010. Discourse-analytic approaches to text and talk. In Research Methods in Linguistics, L. Litosseliti (ed.), 117–137. London: Continuum.
3. Bucholtz, M. 2003. Sociolinguistic nostalgia and the authentication of identity. Journal of Sociolinguistics 7: 398–416. DOI: 10.1111/1467-9481.00232.
4. Creese, A. 2010. Linguistic ethnography. In Research Methods in Linguistics, L. Litosseliti (ed.), 138–154. London: Continuum.
5. Currie, H. 1952. A projection of sociolinguistics: The relationship of speech to social status. Southern Speech Journal 18: 28–37. DOI: 10.1080/10417945209371247.
6. Figueroa, E. 1994. Sociolinguistic Metatheory. Oxford: Pergamon.
7. Fishman J. 1972. The sociology of language; an interdisciplinary social science approach to language in society. Rowley, Mass.: Newbury House.
8. Hazen, K. 2001. Field methods in modern dialect and variation studies. In Mesthrie (ed.), 776– 779.
9. Hymes, D.H. 1974. Anthropology and sociology. An Overview. Current Trends in Linguistics 12: 1445–1475. Linguistic Anthropology in Society. American Anthropologist 76: 785-798.
10. Labov, W. 1984. Field methods of the project on linguistic change and variation. In Language in Use: Readings in Sociolinguistics, J. Baugh & J. Sherzer (eds), 28–66. Englewoods Cliffs NJ: Prentice Hall.
11. Labov, W. 1975b. Empirical foundations of linguistic theory. In the Scope of American Linguistics, R. Austerlitz (ed.), 77–113. Lisse: The Peter de Ridder Press.
12. Robins, R.H. 1964. General Linguistics. An Introductory Survey. London: Longman (3rd. edition 1980).
13. Shuy, R.W. 1984. The decade ahead for applied sociolinguistics. The International Journal of the Sociology of Language 45: 101–111.
14. Tagliamonte, S.A. 2006. Analysing Sociolinguistic Variation. Cambridge: CUP. DOI: 10.1017/CBO9780511801624
15. Trudgill, P.J. 1983b. On Dialect: Social and Geographical Perspectives. Oxford: Blackwell.
16. Trudgill, P.J. 1978. Introduction: Sociolinguistics and sociolinguistics. In Sociolinguistic Patterns in British English, P.J. Trudgill (ed.), 1–18. London: Edward Arnold.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор).